

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**ДАМИНОВ АСРОР МАҲМАЮСУПОВИЧ**

**КРЕП БЕЗАКЛИ МАТОЛАР ТУЗИЛИШИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ**  
**АСОСИДА ЯНГИ ТУРЛАРИНИ ЯРАТИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга**  
**дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Даминов Асрор Махмаюсупович**

Креп безакли тўқималар тузилишини тадқиқ этиш асосида янги турларини яратиш.....3

**Даминов Асрор Махмаюсупович**

Создание новых видов декоративных креповых тканей на основе изучения структуры.....23

**Daminov Asror Mahmayusupovich**

Creating new types of decorative crepe fabrics based on research of their structure.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**ДАМИНОВ АСРОР МАҲМАЮСУПОВИЧ**

**КРЕП БЕЗАКЛИ МАТОЛАР ТУЗИЛИШИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ**  
**АСОСИДА ЯНГИ ТУРЛАРИНИ ЯРАТИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга**  
**дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/T105 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.titli.uz](http://www.titli.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Алимбаев Эркин Шарипович**  
техника фанлари номзоди, профессор

**Расмий  
оппонентлар:**

**Даминов Асқарали Давлатович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Ахунбобоев Охунжон Абдурахмонович**  
техника фанлари доктори, к.и.х.

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро муҳандислик-технология  
институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.08.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “\_\_\_\_\_” декабрь соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон кўчаси 5-уй. Тел.: (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: [titlp\\_info@edu.uz](mailto:titlp_info@edu.uz), Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ -рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон кўчаси 5-уй. Тел.: (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2019 йил “\_\_\_\_\_” декабрь куни тарқатилди.  
(2019 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -рақамли реестр баённомаси).

**Б.О.Онорбоев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д.

**А.Э.Гуламов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, т.ф.д.

**Ш.Ш.Ҳақимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги  
илмий семинар раиси, т.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тўқимачилик саноатида ипакчилик салмоқли ўринга эга бўлиб, Хитой, Ҳиндистон, Корея Республикаси, Бразилия, Италия ва Франция каби давлатлар бу соҳада етакчи мамлакатлардан ҳисобланади. Бугунги кунда жаҳонда ишлаб чиқарилаётган ипакнинг 60 фоизи Хитой ва Ҳиндистоннинг ҳиссасига тўғри келмоқда<sup>1</sup>. Ипакчилик саноатини изчил ва барқарор ривожлантириш нафақат ипакчилик корхоналарида замонавий асбоб – ускуналарни жорий этиш, балки маҳсулотнинг сифатини назорат қилиш, бошқариш ва янги ассортиментларни яратиш жаҳон бозорида рақобатбардош ипак маҳсулотларини ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги замон талабларидан келиб чиқиб самарали ва ресурстежамкор технологияларни яратиш катта аҳамиятга эгадир.

Жаҳонда сўнгги йилларда замонавий ахборот – коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши соҳалардаги ўз ечимини кутаётган қатор муаммоларни ечишга кенг имкониятлар яратмоқда. Бундай имкониятлардан самарали фойдаланиб, тўқимачилик соҳасида ўз ечимларини кутаётган долзарб муаммоларни ҳал этишда ахборот – коммуникация технологияларини қўллаш орқали чуқур илмий изланишлар ва тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда. Ҳозирги кунда жаҳон фани ва инновация фаолиятининг ютуқларидан кенг фойдаланиш жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини изчил ва барқарор ривожлантиришнинг, мамлакатнинг муносиб келажагини барпо этишнинг муҳим омили бўлиб бормоқда<sup>2</sup>.

Республикамизда ипакчилик саноатининг техника, технологияларини ривожлантириш ва соҳага янги инновацион технологияларни жорий этиш орқали ресурстежамкор, рақобатбардош ҳамда экспортбоп маҳсулотларнинг янги турларини яратишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш”<sup>3</sup> вазифалари белгилаб берилган. Шу сабабли, қимматбаҳо табиий ипакдан тўкиладиган ипак креп тўқималарининг сифатини ошириш, ассортиментини кенгайтириш, истеъмол хусусиятлари яхшиланган бадий безакдаги янги таркибли тўқималар яратиш ва замонавий тўқув дастгоҳларининг ассортимент ишлаб чиқариш имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони, “Республикада пиллачилик тармоғидаги

<sup>1</sup>[www.ru.wikisource.org/wiki](http://www.ru.wikisource.org/wiki), [www.optim-consult.com/analytics/6](http://www.optim-consult.com/analytics/6).

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5264-сонли “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони. Тошкент ш., 2017 йил 29 ноябрь.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон Фармони. Тошкент ш., 2017 йил 7 февраль.

мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 20 августдаги ПҚ-3910-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушуб диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тўқимачилик маҳсулотларининг янги турларини яратиш, уларни бадий безаш, безагига объектив баҳо бериш усулларини яратиш, ишлаб чиқаришда хомашё сарфини камайтириш бўйича бир қатор чет эл олимлари, жумладан, Н.В.Лустгартен, Н.А.Федеренко, А.А.Левина, В.Н.Кошеварева, М.И.Лихачева, А.И.Аврунина, Х.Гуан, Ф.Волларх, Л.Х.Осипова, Н.П.Моторова, Н.Я.Евдокимов, М.Я.Мустафаева, В.В.Яковлев, Jurgita Domiskiene, Eugenija Strazdiene, Paule Bekampiene, Zhoufeng Liu, Chunlei Li, Qianjin Zhao, Liang Liao, Yan Dong, Rui Zhang, Binjie Xin, Stuart Palmer, Xungai Wang, P.Chakraborty, P.Kumar, Dariush Semnani, Mohammad Sheikhzadehand, Xu-Hong Yang, Dong-Gao Li ва бошқалар самарали иш олиб борганлар.

Мамлакатимизда ипак тўқимачилиги соҳасининг ривожига бир қатор олимлар, жумладан, Х.А.Алимова, Б.М.Мардонов, П.С.Сиддиқов, А.Д.Даминов, О.Ахунбабаев, Д.Арипджанова, Ж.А.Ахмедов, Э.Ш.Алимбаев, Х.Н.Луқманов, Б.К.Хасанов, Б.Х.Баймуратов, М.Мирзахоновлар муносиб ҳисса қўшганлар.

Соҳага оид тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, крeп ипларининг деформация – релаксация хусусиятидан фойдаланиб тўқима сиртини бадий безаш, уларнинг янги ассортиментларини яратиш ва безагига баҳо беришнинг объектив усулини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар етарли эмас.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф4-14 “Пиллани чувишга тайёрлаш ва хом ипак ишлаб чиқариш технологик жараёнларининг назарий асосларини яратиш” лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ипак крeп тўқималарининг крeп безагини объектив баҳолаш усулини ишлаб чиқиш ва ипак крeп ипларининг деформация – релаксация хусусиятлари ҳисобига тўқима сиртини бадий безаш асосида янги турларини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тўқима тузилишини тадқиқ қилиш асосида табиий ипакдан тўқиладиган тўқималарнинг крeп безагини белгиловчи омилларни аниқлаш;

тўқима тузилишини аниқловчи асосий омил – ипларнинг тўлқин баландлигини ахборот – коммуникация технологиялари ёрдамида тажрибавий аниқлаш усулини ишлаб чиқиш;

креп безагини баҳолашнинг мавжуд усуларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш асосида объектив баҳолаш усулини ишлаб чиқиш;

креп ипак тўқималарини тўқув усулида бадиий безашнинг янги усулини ва дастгоҳда шаклланиш технологиясини яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида, тўқув дастгоҳлари, замонавий саноат видео камераси, соҳага оид ахборот – коммуникация технологиялари, креп ипак иплари ва ипак креп тўқималари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида тўқувчилик жараёни, тўқималарни тўқув усулида бадиий безаш технологияси олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тўқувчилик назарий асослари ва назарий механиканинг умумий тадқиқот натижаларини олиш имконини берувчи назарий – экспериментал усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ипак креп тўқималарини тўқув усулида бадиий безашнинг янги усули яратилган;

ипак креп тўқималарини тўқув дастгоҳда шаклланиш технологияси яратилган;

ипак креп безагини сонли қийматда аниқловчи қурилма ва унинг дастурий таъминоти яратилган;

ипак креп тўқималарининг креп безагини объектив баҳолаш усули яратилган;

тўқима тузилишини белгиловчи ипларнинг тўлқин баландлиги омилини компьютер ёрдамида аниқлашнинг янги усули ишлаб чиқилган;

тўқима қалинлигини аниқлашнинг контактсиз янги усули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тўқима тузилишини тадқиқ қилиш асосида табиий ипакдан тўқиладиган ипак тўқималарнинг креп безагини белгиловчи омиллар аниқланган;

тўқиманинг қалинлигини ахборот – коммуникация технологиялари ёрдамида контактсиз аниқлашнинг янги усули таклиф этилган;

ипак креп тўқималарининг креп безагини сонли қийматда аниқлашнинг янги усули яратилган;

ипак креп тўқималарини ипларнинг релаксация – деформация хусусиятлари ҳисобига бадиий безашнинг янги усуллари тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ва тажрибавий тадқиқотларнинг мослиги, апробация ва қўллаш натижаларининг ижобийлиги, шунингдек, натижаларни солиштириш, баҳолаш мезонларига кўра уларнинг адекватлигига, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари ва уларни кўриб чиқилган фан соҳасидаги маълумотлар билан қиёсий таҳлили билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ипак креп безагининг сонли қийматини аниқловчи компьютерлаштирилган қурилма ва унинг дастурий таъминоти ҳамда тўқимадаги ипларнинг тўлқин баландлигини ахборот – коммуникация

технологиялари ёрдамида тажрибавий ўлчаш усулининг ишлаб чиқилганлиги, креп безагини бошқариш усули яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти креп безагини сон қийматда аниқлаш ва объектив баҳо бериш имкониятининг яратилганлиги, креп ипак тўқималарини тўқув усулида бадий безаш ҳисобига янги турларининг яратилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Креп безакли тўқималар тузилишини тадқиқ этиш асосида янги турларини яратиш бўйича ишлаб чиқилган натижалар асосида:

креп эффекти асосидаги дизайни яхшиланган шойи матога Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг саноат намунасига патенти (“Креп эффекти асосидаги дизайни яхшиланган шойи мато” № SAP 00862) олинган. Натижада креп ипак тўқималарининг сирт безагини бошқариш орқали уларнинг янги турлари ишлаб чиқилган;

мато сиртининг крепланиш даражасини аниқлаш дастурига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ЭХМ учун дастурга патенти (“Мато сиртининг крепланиш даражасини аниқлаш дастури”, № DGU 05609) олинган. Натижада ипак креп тўқималарининг креп безагига объектив баҳо бериш имкони яратилган;

яратилган креп эффекти асосидаги дизайни яхшиланган шойи мато ва мато сиртининг крепланиш даражасини аниқлаш дастури “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси тасарруфидаги корхоналарида, хусусан “Марғилон Силк – ВАЦ” МЧЖда жорий этилган (“Ўзбекипаксаноат” уюшмасининг 2019 йил 1 августдаги 4-2/1606-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида тўқиманинг янгича сирт безагига эгаллиги сабабли маҳсулот харидоргирлигини ортиши ва тўқиманинг креп безагига баҳо берувчи экспертларга кетадиган харажатларнинг камайишига олиб келган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий – амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларини асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, 1 таси хорижий ва 5 таси республика журналларида нашр қилинган, ҳамда Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг 2 та патенти олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил қилади.



## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, шунингдек, тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалар баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган ҳамда амалиётга жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар таҳлили”** деб номланган биринчи бобида Республикада ишлаб чиқарилаётган ипак тўқималарининг турларини кенгайтириш, сифат кўрсаткичлари ва истеъмол хусусиятларини яхшилаш мақсадида, уларнинг тузилиши, ишлаб чиқариш технологиялари, тўқималарнинг таркиби, уларга таъсир этувчи омилларнинг бадиий безашдаги аҳамиятига оид ҳамда замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тўқимачилик маҳсулотларининг сифатини баҳолашга бағишланган илмий-тадқиқот ишлари ва адабиётлар таҳлил этилган.

Диссертациянинг **“Ипак креп безагининг тадқиқотлари”** деб номланган иккинчи бобида, креп безакли тўқималар ассортиментлари, ипак креп тўқимасининг тузилишини аниқловчи кўрсаткичлар, крепдешин тўқимаси тузилишининг назарий таҳлиллари ва тўқимадаги ипларнинг тўлқин баландлигини амалий аниқлаш усули ҳамда ипак креп безагининг шаклланишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар келтирилган.

Ипак креп тўқималари ассортиментининг таҳлиliga кўра сирт зичликлари бўйича креп тўқималарининг аксариятини аёллар куйлакбоп тўқималари ташкил этади ( $100 \text{ gr/m}^2$  гача). Шунинг билан бирга, сирт зичлиги  $150 \text{ gr/m}^2$  дан катта бўлган (арт. 21002) костюмбоп тўқималар ҳам ишлаб чиқарилган. Бу тўқималарнинг таҳлил қилинган кўрсаткичлари келтирилган адабиётларда креп безагини баҳоловчи кўрсаткич мавжуд эмас.

Йигириш ва тўқувчиликнинг кўп жараёнларида толалар ва иплар эгилиш деформациясига учрайди. Аниқроқ қилиб айтганда, тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришида толалар, иплар ёки тўқиманинг эгри сиртдан ўтмайдиган технологик жараёни йўқ. Шундай қилиб, ип ва тўқима ишлаб чиқаришда уларнинг эгилиши технологик жараённинг таркибий қисми ҳисобланиб, тўқимачилик маҳсулотларини таҳлил қилишда буни алоҳида эътиборга олиш керак.



Крепдешин тўқимасининг аналитик таҳлилида ипларнинг эгилишдаги бикрликларини аниқлаш бўйича назарий тадқиқотлар бажарилган.

Ип консоль тўсин кўринишида берилган бўлса, қистирилган чап томон учидан тенг тақсимланган юк  $q$  ни қўйиб, унинг эгилишдаги бикрлигини топиш мумкин (1-расм). Ўз оғирлиги билан эгилган ипнинг охириги учи  $\delta_1$  нинг қийматини топамиз. Берилган (бир бўлак) ипнинг массасини, унинг узунлигини ва  $\delta_1$  нинг қийматини билганимиздан сўнг эгилган ипнинг бикрлигини,

устуннинг эгилган чизиғини аниқлашда қўлланиладиган қуйидаги дифференциал тенглама ёрдамида аниқланади:

$$EI \frac{d^2y}{dx^2} = -M \quad (1)$$

Аниқроқ натижаларга эришиш учун ипнинг эгилишдаги бикрлигини аниқлашнинг бошқа усули устида тўхталамиз. Унинг моҳияти қуйидагича (2-расм).



1 – расм. Ипнинг эгилиш схемаси      2 – расм. Ипнинг юкланиш схемаси

Ипнинг чап томони  $A$  нуқтага маҳкамланган ва ўнг томони эса силлик сиртли валикнинг устидан ўтган. Ипнинг охиригича  $Q_1$  юк осилган.  $AV$  узунлигининг ўрта қисмига қўйилган юк  $P$  нинг таъсирида, ип  $ACV$  шаклини олади. Ипнинг эгилиш қиймати у  $CC'$  масофани ўлчаш йўли билан топилади. Ипнинг у ўқи бўйича эгилишдаги бикрлигини қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш мумкин

$$B = \frac{l^2}{\pi^2} \left( \frac{4Pl}{y\pi^2} - \frac{Q_1}{e^{\alpha f}} \right) \quad (2)$$

(2) формула ипнинг эгилишдаги бикрлигини аниқлаш имконини беради.  $\alpha$  бурчак ўлчаш йўли билан топилади,  $f$  коэффициент эса махсус жадвалдан олинади.

Ипнинг эгилишдаги бикрлигини ҳисоблаш учун ишлатилиши мумкин бўлган қуйидаги формула ҳам мавжуд:

$$B = 0,01 Q_p d_x^2. \quad (3)$$

бу ерда  $Q_p$  – ипнинг узилиш кучи,  $H$ :

$d_x^2$  – ипнинг ҳисобий диаметри, mm.


Тавсия этилган эксперимент усулларида иккинчиси афзалроқ. У биринчисидан шуниси билан фарқ қиладики, бу ерда ип нафақат вертикал йўналиш бўйлаб чўзилади, балки сиқилишга ҳам учрайди. Бу эса унинг эгилишини камайтиради. Ипнинг охиригича осилган  $Q_1$  куч  $0,1 \div 0,2$  N гача олинади ва вертикал кучланиш  $P$  пастроқ бўлади. Бу тавсиялар эгилишдаги бикрлиги пастроқ бўлган иплар учун берилган. Табиий ипак ипларининг чизиқий зичлиги кичик бўлганлиги юқоридаги тавсиялардан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади.

Тўқима шаклланишида танда ипларидан ҳосил бўлган хомузага арқоқ ипини ташлаб, уни тўқима қирғоғига жипслаш жараёнида маълум кучлар таъсир этади. Натижада тўқиманинг элементи шаклланиб, иплар маълум тарангликда мувозанатда бўлади. Бу эса тўқималарнинг таҳлилида аниқланган танда ва арқоқ ипларининг тўлқин баландлигига таъсир этади.

Дастлабки ўтказилган экспериментал тадқиқотлар натижасида крепдешин тўқимасининг креп безагига иплар тўлқин баландлигининг таъсири аниқланди. Бу эса креп безагини баҳолашда ипларнинг бикрлиги ва уни ҳисобга олган ҳолда тўқимадаги ипларнинг тўлқин баландликларини аниқлашни тақозо этади.

Тўқима тузилишининг таҳлилига кўплаб адабиётлар ва илмий мақолалар бағишланган. Уларнинг аксарияти ўтган асрнинг ўрталарида яратилган профессор Н.Г.Новиковнинг назариясига асосланган. Н.Г.Новиков назариясининг камчилиги тўқиманинг тузилишини аниқлашда танда ва арқоқ ипларига таъсир этувчи кучлар ҳисобга олинмаганлигидадир. Бу камчилик Г.С.Степановнинг “Тўқима тузилиши назарияси” монографиясида бартараф этилган. Бу назария асосида крепдешин тўқимасининг шаклланишида содир бўладиган танда ва арқоқ ипларининг тўлқин баландликларини аниқлаймиз.

Ҳисоблаш қулай бўлиши учун ипнинг бутун тўлқин узунлигини ҳисобга оламиз. Танда ипларида  $N_T$  чўзувчи кучлар,  $M$  буровчи момент ва  $Q_T$  кўндаланг кучлар таъсир этади. Бу кучлар 3а ва 3б – расмларда кўрсатилган. Бизнинг ҳолатимизда, ўрилиш полотно ўрилиши бўлганлиги учун ипни эгиш учун таъсир этаётган куч унинг симметрия текслигида ётади деб қараймиз.



**3 – расм. Полотно ўрилишида кучлар таъсири: а – танда ипига; б – арқоқ ипига**

3 – расмдаги шаклга мос равишда ва материаллар қаршилигида таянчга ўрнатилган балкаларнинг эгилишдаги бикрлигини аниқлашда ишлатиладиган тенгламалардан фойдаланиб, полотно ўрилишли тўқима тузилишининг математик модели тузилган:

$$B_T^* \frac{d^{IV}U}{dx^{IV}} - N_T^* \frac{d^2U}{dx^2} = q(x). \quad (4)$$

Бу тенгламадан қуйидаги формула олинган:

$$h_T = \frac{4Q_T}{\pi^2 P_A (\pi^2 B_T P_A + N_T)}, \quad (5)$$


3б – расмдаги ҳолатдан фойдаланиб, юқорида келтирилган ўзгаришларни ҳисобга олиб арқоқ ипи учун (5) формулага ўхшаш формулани ёзамиз:

$$h_A = \frac{4Q_A}{\pi^2 P_T (\pi^2 B_A P_T + N_A)}, \quad (6)$$

(5) ва (6) тенгламалар крепдешин тўқимасининг математик модели бўлиб, Н.Г.Новиковнинг геометрик моделидан фарқли ўлароқ, тўқимадаги танда ва арқоқ ипларининг тўлқин баландликларини аниқлашда, ипларнинг бикрликлари ва таъсир этаётган кучлар ҳисобга олинган.

Мавжуд тадқиқотларда  $h_T$ ,  $h_A$  ларнинг ўлчамлари фақат назарий аниқланган. Унда ипларнинг чизиқий ва ҳажмий зичликлари, нотекислиги ҳисобга олинмаган. Бу тадқиқ этилаётган кўрсаткичларнинг ҳақиқий қийматларини ахборот – коммуникация технологиялари ёрдамида тажрибавий аниқлаш усулини ишлаб чиқишни тақозо этди. Шу мақсадда, тўқимадаги ипларнинг тўлқин баландлигини аниқлашда ахборот – коммуникация технологияларидан фойдаланиш усули ишлаб чиқилди.


Назарий тадқиқотларни тажрибавий усуллар билан текшириб кўриш ва тўлқин баландлигини тажрибавий аниқлаш усулини ишлаб чиқиш мақсадида, “Anyview Microscope” рақамли микроскопи ёрдамида тўқиманинг кўндаланг қирқимлари тасвири олинди. Бунинг учун, 3Д принтер ёрдамида тўқимани кўндаланг ҳолда тутиб турувчи махсус мослама тайёрланди (4 – расм).



1 – рақамли микроскоп; 2 – асос; 3 - қоғоз бўлаги; 4 - тўқима намунаси

**4 – расм. Тўқиманинг кўндаланг кесимини тасвирга олишда қўлланиладиган мослама**


Микроскоп ва мослама ёрдамида крепдешин тўқимасининг танда ҳамда арқоқ бўйича кўндаланг қирқимлари тасвирга олинди (5, 6 – расмлар).



5 – расм. Крепдешин тўқимасининг танда бўйича кўндаланг қирқими

5 – расмда танда ипининг тажрибавий аниқланган тўлқин баландлиги ўлчами келтирилган.

Тажрибавий аниқланган крепдешин тўқимаси танда ипининг тўлқин баландлиги 0,104 mm дан 0,291 mm гача бўлган фарқларини кўрсатмоқда, яъни танданинг тўлқин баландлиги 0,07 mm дан 0,27 mm гача.




6 – расм. Крепдешин тўқимасининг арқоқ бўйича кўндаланг қирқимлари

6 – расмда арқоқ ипининг тажрибавий аниқланган тўлқин баландлиги 0,008 mm дан 0,106 mm гача ўзгармоқда. Орадаги фарқ 0,098 mm ни ташкил этди.

Тўқималарнинг таркиби ва ташқи кўриниши нафақат ўрилиш тури, танда ва арқоқ ипларининг зичлиги, балки ипларнинг чизиқий зичликлари, шунингдек, тўқимада жойлашган ипларнинг геометрик шакллариға ҳам боғлиқ бўлади.

Агар биз креп арқоқ ипларини тўқимадаги ҳолатини уч ўлчамли спирал чизиқ кўринишида моделлаштирсак,  $\bar{A}$  ни спирал радиуси,  $\bar{T}$  ни икки спирал орасидаги масофа сифатида кўришимиз мумкин (7-расм).



7 – расм. Креп ипининг спирал шаклдаги модели, спирал геометрияси

Бир спирал узунлиги ( $l$ ) қуйидагича ҳисобланади:

$$l = \sqrt{(2\pi\bar{A})^2 + (\bar{T})^2}$$

$$L = n \cdot l$$

бу ерда  $n = \frac{L}{l} = \frac{L_M}{\bar{T}}$ ,  $\bar{T} = \frac{L_M}{n}$

$$L = n \cdot \sqrt{(2\pi\bar{A})^2 + (\bar{T})^2} = \sqrt{(2\pi n\bar{A})^2 + L_M^2}.$$

бу ерда  $L$  – спирал шаклдаги крeп арқоқ ипининг узунлиги;  $L_M$  – тўқиманинг эни;  $n$  – арқоқ бўйича спиралнинг тўлқинланишлар сони.

Келтирилган тенгламадан спирал масофаси  $\bar{T}$ , спирал радиуси  $\bar{A}$  ва тўқиманинг эни  $L_M$  лар орасида ўзаро боғлиқлик борлигини кўришимиз мумкин. Бу эса тўқима энига чўзилиш жараёнида крeп безагининг ўзгаришини кўрсатади.

Ипак крeп тўқималарининг крeп безагига энг катта таъсир кўрсатувчи омил бу, крeп ипларининг бурамлар сони ҳисобланади. Шу сабабли, крeп ипларининг бурамларини ўзгартирган ҳолда бир нечта намуналар ишлаб чиқарилди. Уларнинг техник кўрсаткичлари 1 – жадвалда келтирилган. Тажрибада арқоқ сифатида крeп ипак ипларидан, танда сифатида хом ипак ипидан фойдаланилди.

#### 1 – жадвал


#### Ишлаб чиқарилган экспериментал намуналарнинг техник кўрсаткичлари

Намунала р	Хомашё тури, teks		Хомузага арқоқ ташлаш раппорти	Хом тўқима зичлиги		Тайёр тўқима зичлиги	
	$T_A$	$T_T$		$P_A$	$P_T$	$P_A$	$P_T$
1-намуна	3,23*3 1500 бр/м	ХИ 3,23*3	1S+1Z	320	400	330	430
2-намуна	3,23*3 2200 бр/м	ХИ 3,23*3	1S+1Z	320	400	350	460
3-намуна	3,23*3 2500 бр/м	ХИ 3,23*3	1S+1Z	320	400	350	470
4-намуна	3,23*3 2800 бр/м	ХИ 3,23*3	1S+1Z	320	400	350	470

Ишлаб чиқарилган намуналар таркибидаги серицин қайнатилиш натижасида қисман камайиб тўқима оқартирилади. Натижада тўқима юзаси тўлқинсимон (кавариқ ва ботик) шаклга ўтади.

Диссертациянинг “**Крeп безагини ахборот – коммуникация технологиялари ёрдамида объектив баҳолаш усулини яратиш**” деб номланган учинчи бобида, крeп тўқималарининг сиртини тасвирга олувчи қурилма ва тасвирий таҳлил асосида крeп безагига сон қийматда баҳо берувчи амалий дастур ишлаб чиқилган.


Янги замонавий усулни яратишда тасвирни (компьютерда таҳлил қилиш алгоритми содда ва аниқ ишлаши учун) ўзгармас муҳитда тасвирга олувчи қурилма яратилди (8 – расм).



1 – CMOS сенсорли USB камера; 2 – объектив; 3 – тўқима намунаси (яшил рангда);  
4 – кассета; 5 – ёриткич

### 8 – расм. Ўзгармас мухитда тасвирга олувчи қурилманинг схемаси

Қурилма қуйидагича ишлайди: камера 1, объектив 2 ёрдамида кассета 4 га жойлаштирилган тўқима намунаси 3 ни тасвирга олади. Тўқима намунаси орқа томондан ёриткич 5 ёрдамида ёритилади. Натижада бизга керакли бўлган қуйидаги кўринишдаги тўқима тасвирлари ҳосил бўлади (9 а, б, в, г – расмлар).



а) – арқоқ ипининг бурамлар сони 1500 бур/м;  
б) – креп ипининг бурамлар сони 2200 бур/м;  
в) – креп ипининг бурамлар сони 2500 бур/м;  
г) – креп ипининг бурамлар сони 2800 бур/м.

### 9 – расм. Креп тўқимасининг қурилма ёрдамида олинган катталаштирилган тасвирлари

Расмга олинган креп тўқима намунасини “тасвирий таҳлил” асосида креп даражасини аниқловчи амалий дастур алгоритми ишлаб чиқилди.

Агоритм қуйидагича ишлайди:

**1 – қадам.** RGB ранглар матричасидан рақамли  $pt$  номли матрица яратилади. Расмдаги иплар қора рангда бўлганлиги учун уларни матрица элементларига 0 кўринишида ўзлаштирилади:

$$RGB_{x,y} = IMAGE$$

**2 – қадам.** Ранглар коди, яъни компьютер хотирасида пикселларга ажратилган код:  $RK = 101653681$ .

**3 – қадам.**  $RK$  орқали  $RGB$  номли 2 ўлчовли (массив) – матрица ҳосил қилинади. Ушбу матрица  $M$  та устун ва  $N$  та сатрлардан иборат. Матрицадаги 0 лар тўқимадаги ипларни аниқлатади.

Матрицада тасвирдаги ранглар 0 ва 1 рақамлар кўринишида намоён бўлади. 0 рақамлар тасвирдаги қора рангларни, 1 рақамлари эса оқ рангларни билдиради.

Масалани ечишда қуйидаги белгиланишлардан фойдаланамиз:

$IPQ$  – ип қалинлиги;

$OD$  – ипларнинг тўғри чизикқа нисбатан оғиш даражаси;

$INK$  – ипнинг нуқта координатаси;

$TQ$  – тўлқин қадами;

$RK$  – ранг коди;

$IOS$  – ипнинг оғишлари сони;

$IOU$  – ипнинг оғишлар узунлиги.

$$MATRIMAGE_{x,y} = \begin{cases} 1, & RGB_{x,y} < RK \\ 0, & RGB_{x,y} > RK \end{cases}$$

**4 – қадам.** Тўқима юзасининг иплар билан тўлдирилиш фоизи расмнинг умумий юзасидан орқа фони юзасини айириб ташлаш орқали аниқланади ( $E_{um.}\%$ ):

$$E_{um} = S_{r.u.yu} - S_{o.f.yu}, \%$$

$$E_{um} = S_{r.u.yu} - S_{o.f.yu} = \begin{cases} S_{r.u.yu} = S_{r.u.yu} + 1, & MATRIMAGE_{x,y} = 1 \\ S_{o.f.yu} = S_{o.f.yu} + 1, & MATRIMAGE_{x,y} = 0, \quad i=0,1,\dots,N, \quad j=0,1,\dots,M \end{cases}$$

бу ерда  $S_{r.u.yu}$  – расмнинг умумий юзаси;  $S_{o.f.yu}$  - орқа фон эгаллаган юзаси.

**5 – қадам.** goMasMax матрицадан креп ипларининг тўғри чизикқа нисбатан оғиш даражаси аниқланади:

$$OD = IPQ - INK_{(o'rtacha)}.$$

Ипнинг оғиш даражаси:

$$INK_{(o'rtacha)} = INK_{(max)} + INK_{(min)}.$$

**6 – қадам.** goMasMax матрицадаги аниқланган ип тўлқин қадамининг ўртачаси аниқланди  $TQ$ :

$$TQ = IOU.$$

Бу эгри чизикларнинг дастлабки кўтарилиш нуқтасидан энг юқорига чиқиб қайтиши ва яна юқорига кўтарилиш нуқталари орасидаги масофаси арқоқ иплари тўлқин қадамини белгилайди. Дастур бу ўлчамларнинг ҳар бир ип бўйича ўртачаси ва барчасининг ўртачалари йиғиндисининг ўртачасини ҳисоблаб экранга кўрсатади.



Тўлқин қадами ипларнинг ҳосил қилган битта тўлқин узунлигига тенг. Бу ерда 1 та ипнинг  $k$  та ҳосил қилган қадами:

$$IOU = \left( \sum_{i=0}^k \sum_{j=0}^{IOS} j \right) / k;$$

$$IOS = \sum_{i=0}^k INK_i;$$


$$INK_i = t \left( \sum_{j=0}^t \begin{cases} t = t + 1, MATRIMAGE_{0,j} = 1; \\ i = 0, MATRIMAGE_{0,j} = 0; \end{cases} \right) i = 0, 1, \dots, M;$$

бу ерда  $t$  – эгилишдаги ҳар битта нуқтагача бўлган масофа.

Креп ипларининг тўғри чизикқа нисбатан оғиши ва тўлқинланишдаги қадам қийматлари тўқималарда креп арқоқ ипларининг спиралланиш даражасини ифодаловчи кўрсаткич сифатида қабул қилинди.

Тажриба учун олинган намуналар 3 хил вақт оралиғида, бир хил ҳароратли ва бир хил модда таъсирида оқартирилди ҳамда бу намуналарни янги яратилган асбобда тасвирга олиб, тасвирни амалий дастур ёрдамида таҳлил қилдик.

Креп иплари бурамлар сони ва қайнатилиш вақтини тўқима сиртининг креп безагига таъсири 10 *a*, *b* – расмларда келтирилган.



**10 а, б – расмлар. Креп иплари бурамлар сони ва қайнатилиш вақтини тўқима сиртининг креп безагига таъсири**

Олинган натижалар асосида таклиф этилаётган янги қурилма бир қанча афзалликларга эга. Биринчидан, креп гуруҳи тўқималарининг креп безагига объектив баҳо бериш имкониятини беради. Олинган сон қийматлари асосида ҳамда омиларни ўзгартириш натижасида, креп безагининг ўзгаришини кузатиш ва омилларнинг креп безагига таъсирини аниқлаш мумкин. Натижада, энг катта таъсир этувчи омилларни аниқлаб олиш мумкин бўлади ва таъсири юқори бўлган омиллар ажратиб олиниб ишлаб чиқариш амалётида креп безагини бошқариш орқали янги ассортиментларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Диссертациянинг **“Ипак креп безагини бошқариш ва режалаштириш орқали тўқималарнинг янги ассортиментларини яратиш ва унинг ижтимоий ҳамда иқтисодий самарадорлиги”** деб номланган тўртинчи бобида, ипак тўқималарининг креп безагини бошқариш орқали янги турларини яратиш, ресурстежамкор ипак тўқималар ишлаб чиқариш, креп безаги асосида бадий

безалган янги ассортиментдаги ипак тўқималарнинг шаклланиш технологияси, илмий ишнинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

Арқоқ иплари 1Z + 1S раппортда хомузага ташланганида креп безагининг қиймати паст, яъни майда, арқоқ иплари хомузага 2Z+2S раппортда ташланганда креп безагининг қиймати ўрта, 3Z + 3S раппорт асосида хомузага арқоқ иплари ташланганда йирик қийматдаги креп безагининг шаклланиши кузатилади.

Хомашё ҳажмдорлиги камайтирилган 2001-13 тўқима намунасини лойиҳалашда, танда ва арқоқ иплари орасидаги ишқаланиш кучини ошириш мақсадида арқоқ иплари хомузага 1+1 раппорт тартибида ташланди.

Янги тўқимада шодалардаги ҳар бир гуладан 3 донадан якка ип ўтказилади, назорат тўқимада эса ҳар бир гуладан 4 тадан якка ип ўтказилар эди. Бу эса ўз навбатида тўқув ипи чизиқли зичлигининг камайишига сабаб бўлади.

Нazorат тўқимада тўқув ипининг чизиқли зичлиги 9,32 (2,33x4) тексга тенг бўлса, янги лойиҳаланган тажриба намунасида 6,99 (2,33x3) тексга тенг бўлади. Яъни, янги тажриба намунасида танда ипларининг сарфи 25% га камаяди.

3 – жадвалда тўқималарнинг баъзи бир истеъмол хусусиятлари кўрсаткичлари келтирилган.

### 3 – жадвал

#### Тўқималарнинг истеъмол хусусиятлари кўрсаткичлари

Вариантлар	хом тўқима			тайёр тўқима		
	gr/m <sup>2</sup>	қисқариш, %		gr/m <sup>2</sup>	қисқариш, %	
		танда	арқоқ		танда	арқоқ
Нazorат арт. 11006	77,2	8,2	1,7	60,3	9,8	9,1
Тажриба 2001-13	70,1	7,7	1,6	55,2	8,2	8,8

3 – жадвал таҳлили шуни кўрсатадики, янги тажриба намунасида тўқув ипларидаги якка иплар сонининг 4 тадан 3 тагача камайиши хом ва тайёр ҳолдаги тўқималар сирт зичлигининг камайишига олиб келди, яъни тўқима учун сарф бўладиган танда иплари сарфи тахминан 10% гача камаиди.

Ипак креп тўқималарининг сиртини кўндаланг ва бўйлама йўл – йўл ҳамда катак (шашкасимон) нақшлар билан безаш технологиясини кўриб чиқамиз.

**1 – вариант.** Кўндаланг йўлли ипак тўқима. Тўқима оддий полотно ўрилишида тўқилади. Танда иплари сифатида хом ипак, арқоқ иплари сифатида эса пишитилган креп иплари қўлланилади. Арқоқ иплари хомузага 2+2 раппорт кетма – кетлигида ташланади. Танда иплари чап (S) ва ўнг (Z) йўналишдаги бурамларга эга бўлган арқоқ иплари билан ўрилишга киришганида, тўқима сиртида крепдешин тўқимасига хос “креп” безаги ҳосил бўлади (бўяш – пардозлаш жараёнида).

Танда иплари фақатгина, ўнг (Z) йўналишдаги бурамга эга бўлган арқоқ иплари билан ўрилишга киришганларида тўқима сиртида “гофр” безаги ҳосил бўлади (бўяш – пардозлаш жараёнида). Тўқима сиртида “креп” ва “гофр” безагининг ҳосил бўлиши, тўқимада кўндаланг йўлларни юзага келтиради.

**2 – вариант.** Бўйлама йўлли ипак тўқима. Тўқима оддий полотно ўрилишида тўқилади. Бу ҳолда 1 – вариантдан фарқли ўлароқ танда иплари билан арқоқ ипларининг тўқимадаги жойлашишлари ўзаро алмаштирилган.

Шунинг ҳисобига, тўқимада бўйлама йўллар ҳосил қилинди. Тўқимадаги кўндаланг ёки бўйлама йўллар сони 2 ва ундан ортиқ бўлиши мумкин.

**3 – вариант.** Катак (шашкасимон) нақшли ипак тўқима. Тўқима оддий полотно ўрилишида тўқилади. Хом ипак ҳамда пишитилган крeп иплари танда ва арқоқ иплари йўналишида аралаш қўлланилса, тўқима сиртида катак (шашкасимон) нақшлар ҳосил бўлади. Танда ва арқоқ иплари сифатида хом ипак ҳамда ўнг (Z) ва чап(S) йўналишидаги бурамларга эга бўлган пишитилган крeп иплари ишлатилган. Бу ҳолда танда ипларини тўқувчиликка тайёрлаш жараёни “маневр”ли ҳисоблаш йўли билан пилталаб тандалаш усули қўлланилади. Арқоқ иплари нақш раппорти доирасида навбатма – навбат, аввал хом ипак, сўнгра эса ўнг (Z) ва чап(S) йўналишидаги бурамларга эга бўлган пишитилган крeп иплари 2+2 раппорт кетма – кетлигида хомузага ташланади. Натижада (бўяш – пардозлаш жараёнида) тўқима сиртида қуйидаги безаклар ҳосил бўлади:

А – катакка мансуб бўлган танда ва арқоқ ипларининг ўзаро ўрилишга киришишлари, тўқима сиртида “крeпжоржет” тўқимасига хос бўлган “крeп” безагини ҳосил қилади.

В – катакка мансуб бўлган танда ва арқоқ иплари ўзаро ўрилишга киришишлари, тўқима сиртида “крeпдешин” тўқимасига хос бўлган “крeп” безагини ҳосил қилади.

С – катакка мансуб бўлган танда ва арқоқ ипларини хом ипак ташкил қилганлиги учун ўзаро ўрилиш натижасида, тўқима сиртида “полотно” тўқимасига хос бўлган ялтироқ силлик сирт безаги ҳосил бўлади.

Д – катак В – катакка ўхшаш бўлганлиги (фақатгина танда иплари билан арқоқ иплари ўринлари алмашган) учун, тўқима сиртида “крeпдешин” тўқимасига хос “крeп” безаги ҳосил бўлади.

Тўқима сиртида ҳосил бўладиган бўйлама ва кўндаланг йўлларнинг ўлчамлари танда ва арқоқ ипларининг чизиқий зичликларига, тўқиманинг танда ва арқоқ иплари бўйича технологик ва геометрик зичликларига ҳамда йўл – йўл нақшларнинг танда ва арқоқ иплари бўйича раппортларига боғлиқ бўлади.

Яратилган янги турдаги тўқимадан аёллар либослари ишлаб чиқаришда уларни бадиий безашда кенг фойдаланиш имкониятлари тадқиқ этилди.



Танда иплари сифатида бир хил ва қарама қарши йўналишдаги бурамларга эга бўлган ҳамда хом ипак қўлланилиб, арқоқ иплари сифатида хом ипак қўлланилганда тўқима сиртида гофре, крeпдешин ҳамда силлик сиртли бўйлама йўллар ҳосил бўлиши 11 – расмда келтирилган.

	SSSS	SSZZ	ZZZZ	Хом ип
Арқоқ хом ип	Гофре	Крeпдешин	Гофре	Силлик ялтироқ юза
	30см	30см	50см	50см
120см				



**11 – расм. Аёллар либослари учун бўйлама йўлли крeп тўқимаси**

	SZ	SSZZ	SSSZZZ	SSSSZZZZ	SSSSSZZZZZ	SSSSSSZZZZZZ	SSSSSZZZZZ	SSSSZZZZ	SSSZZZ	SSZZ	SZ
Хом ип											
	14см	14см	14см	14см	14см	14см	14см	14см	14см	14см	14 см
	160см										



12 – расм. Аёллар либослари учун ноанъанавий арқоқ ташлаш раппортлари асосида ҳосил қилинган бўйлама йўлли креп безакли тўқима

		ZZZZZ	Хом ип
40см	ZZZZZ	Гофре	Крепдешин
120см	Хом ип	Крепдешин	Силлик ялтироқ юза
		40см	120см
		160см	

		ZZSS	Хом ип
40см	ZZSS	Крепжоржет	Крепдешин
120см	Хом ип	Крепдешин	Силлик ялтироқ юза
		40см	120см
		160см	



13 – расм. Аёллар либослари учун катак нақшли креп безакли тўқима ва уни бичиш чизмаси

		Хом ип	SSZZ	SZSZ	SSSS
SZSZ	Үсм	Крепдешин (кучсиз)	Крепжоржет	Крепжоржет	Гофре
Хом ип	Хсм	Силлик ялтироқ юза	Крепдешин (ўрта)	Крепдешин (кучсиз)	Гофре
SZSZ	Үсм	Крепдешин (кучсиз)	Крепжоржет	Крепжоржет	Гофре
Хом ип	Хсм	Силлик ялтироқ юза	Крепдешин (ўрта)	Крепдешин (кучсиз)	Гофре
		40см	40см	40см	40см
		160см			



14 – расм. Креп безакли бадий безакдаги аёллар либоси учун тўқима

Креп безагини бошқариш усулидан фойдаланиб, танда иплари сифатида пишитилган креп иплари, арқоқ иплари сифатида эса хом ипак қўлланилиб яратилган бўйлама йўлли бадий безакдаги креп тўқимасининг намунаси 12 – расмда келтирилган. Бу ерда, анъанавий 2+2 арқоқ ташлаш раппортидан ташқари 1+1, 3+3, 4+4, 5+5 ва 6+6 вариантлари ҳам қўлланилгани кўрсатилган.

Тўқима юзасида ҳосил бўлган йўл – йўл ва катаксимон безаклар қандай усулда бичилиши ва тикилишига қараб, либосларда турли безакларни мураккаб конструкция ва технологияларсиз амалга ошириш мумкинлигини кўрсатади. Бу эса ўз навбатида меҳнат унумдорлигининг ошишига ва ишлаб чиқариш жараёнида чиқинди миқдорининг камайишига олиб келади. 13 – расмда катак нақшли, бадий безакдаги креп безакли тўқима ва уни бичиш чизмаси келтирилган.

Креп ипак тўқималарида ўрилишларни ёнма – ён, устма – уст жойлаштириш ҳисобига бўйламасига ва кўндалангига йўл – йўл ҳамда катаксимон нақшлар ҳосил қилиш мумкин. Бичиш жараёнини такомиллаштириш ҳисобига эса нафақат бўйлама, кўндаланг ёки катак нақшлар, балки диагонал шаклдаги нақшлар яратиш ҳам мумкинлиги ишлаб чиқилди ва ушбу технология асосида яратилган тўқима намунаси 14 – расмда келтирилган.

Ушбу намунадаги геометрик нақшлар тўқув дастгоҳида тўқув усулида шакллантирилган бўлиб, нақшларнинг ўтиш чегараларида ҳеч қандай чоклар мавжуд эмас. Креп безаги асосида тўқимани бадий безашнинг янги технологияси, тикувчиликда меҳнат унумдорлигининг ортиши ва чиқинди қийқимларининг камайишига олиб келади.

## ХУЛОСА

“Креп безакли тўқималар тузилишини тадқиқ этиш асосида янги турларини яратиш” мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Адабиётлар таҳлили асосида тўқималарнинг креп безагини баҳоловчи кўрсаткичи мавжуд эмаслиги аниқланди.

2. Крепдешин тўқимаси тузилишини аниқловчи кўрсаткичлар таҳлили бўйича дастлабки ўтказилган экспериментал тадқиқотлар асосида крепдешин тўқимасининг креп безагига ипларнинг тўлқин баландлигини таъсири аниқланди. Бу эса креп безагини баҳолашда ипларнинг бикрлигини ҳисобга олган ҳолда тўқимадаги тўлқин баландликларини аниқлашни тақозо этади.

3. Ахборот – коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосида тўқимадаги ипларнинг тўлқин баландлигини тажрибавий аниқлаш усули ишлаб чиқилди. Натижада Н.Г.Новиков назарияси бўйича тўқиманинг қайси фазада тўқилганлигини миллиметрнинг мингдан бир улиши аниқлигида тажрибавий аниқлаш имконияти туғилди.

4. Крепдешин тўқимасининг кўндаланг қирқимлари тасвиридан маълум бўлишича, ипларнинг тўлқин баландлиги танда бўйича 0,104 mm дан 0,291 mm

гача, арқоқ бўйича 0,008 mm дан 0,106 mm гача эканлиги тажрибавий усулда аниқланди.

5. Ўзгармас муҳитда тасвирга олувчи қурилманинг ва тасвирни таҳлил қилувчи амалий дастурнинг яратилиши, тўқимадаги ипларнинг тўлқин баландлигини сон қийматда аниқлаш асосида ипак крeп тўқималарининг крeп беагига объектив баҳо бeриш имкониятини яратди. Бу ўз навбатида тўқиманинг крeп беагига таъсир этувчи омилларни аниқлаш имконини берди.

6. Тажрибалар асосида: тўқув жараёнида таранглик хосил қилиш учун иплар ва тўқимага қўйиладиган юкламанинг ортиб бориши ва давомийлиги крeп беагининг пасайишига олиб келиши аниқланди. Тўқима таранглигини назорат қилиш мақсадида тўқув дастгоҳларининг валян ва тўқима валиги орасига тарангликни ўлчовчи қурилма ўрнатиш тавсия этилди.

7. Ипак крeп беагига таъсир этувчи омиллар аниқланди:

крeп ипарининг бурамлар сони;

танда ва арқоқ ипларининг чизиқий зичлиги;

ипларнинг эгилиш ва буралишдаги бикрликлари;

танда ва арқоқ ипларини ташкил этувчи якка иплар сони;

танда ва арқоқ ипларининг 10 sm даги зичликлари;

крeп ипларини хомузага ташлаш раппорти (1Z+1S ёки 2Z+2S ва ҳоказо);

танда ва арқоқ ипларининг тўқилишдаги таранглиги;

тўқув дастгоҳининг қайишқоқ тахтлаш тизими;

ипак крeп тўқимасини оқартириш учун сарфланган вақт ва шу каби бир қанча ташқи омиллар ҳам таъсир кўрсатади.

8. Хомузага Z+S тартибда арқоқ ташлаш раппортини ошириб бориш, крeп беагининг юқори бўлишига олиб келиши аниқланди. Крeп беагини бошқаришда юқори бурамли крeп ипларини хомузага 1Z+1S, 2Z+2S, 3Z+3S ва ҳоказо раппортда ташлаш тавсия этилди.

9. Хомузага крeп ипларини ҳар хил раппортларда ташлаш асосида ипларнинг турли қийматларда релаксацияланиши кузатилди. Крeп ипларининг турли қийматларда релаксацияланиш хусусияти ипак тўқималарни безашнинг янги усулини яратиш имкониятини берди. Янги усулда қўндаланг ва бўйлама йўл – йўл ҳамда катак (шашкасимон) крeп безакли ипак тўқималарни ишлаб чиқариш мумкинлиги аниқланди.

10. Тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишдан кутиладиган иқтисодий самарадорлик 10 та тўқув дастгоҳи учун йилига 14074,2 минг сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.08.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ  
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**ДАМИНОВ АСРОР МАХМАЮСУПОВИЧ**

**СОЗДАНИЕ НОВЫХ ВИДОВ ДЕКОРАТИВНЫХ КРЕПОВЫХ ТКАНЕЙ  
НА ОСНОВЕ ИЗУЧЕНИЯ СТРУКТУРЫ**

**05.06.02 – Технология текстильных материалов и первичная  
обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент–2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/T105.**

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Ташкентского института текстильной и легкой промышленности ([www.titli.uz](http://www.titli.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Алимбаев Эркин Шарипович**  
кандидат технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Даминов Асқарали Давлатович**  
доктор технических наук, профессор

**Ахунбобоев Охунжон Абдурахмонович**  
доктор технических наук, с.н.с.

**Ведущая организация:**

**Бухарский инженерно-технологический институт**

Защита диссертации состоится «\_\_\_\_\_» декабря 2019 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности по адресу: 100100., г. Ташкент, ул. Шохжахон-5, Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 2 этаж, 222-аудитория. Тел.: (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: [titlp\\_info@edu.uz](mailto:titlp_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована под № \_\_\_\_\_). Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон-5. Тел.: (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_\_» декабря 2019 года.  
(Реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года).

**Б.О.Онорбоев**  
Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н.

**А.Э.Гуламов**  
Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученых степеней, д.т.н.

**Ш.Ш.Хакимов**  
Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.т.н.



## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировой текстильной промышленности шелководство занимает важное место. Такие страны, как Китай, Индия, Республика Корея, Бразилия, Италия, Франция являются ведущими странами в этой отрасли. В настоящее время 60% шёлка, производимого в мире, осуществляется в Китае и в Индии<sup>4</sup>. На мировом рынке для производства конкурентоспособной продукции важное значение имеет целенаправленное и стабильное развитие шёлковой промышленности. Важную роль играют не только установка современного оборудования на текстильных предприятиях, но и контроль качества продукции, эффективное управление и обновление ассортимента. Исходя из требований времени серьезным фактором является создание эффективных и ресурсосберегающих технологий.

В последнее время ускоренное развитие информационно – коммуникационной сферы создает широкие возможности для решения многих назревших в отраслях проблем. Рациональное использование таких возможностей главная задача научных изысканий и исследований на основе компьютерных технологий. В настоящее время без широкого использования в национальной экономике мировых достижений в науке и инновационной деятельности невозможно непрерывное и стабильное развитие общества и государства. В Республике Узбекистан на основе развития техники и технологий шёлковой промышленности и внедрения в отрасли инновационных технологий ведутся широкие преобразования для наращивания производства ресурсосберегающей, конкурентоспособной и экспортной продукции<sup>5</sup>.

В принятом директивном документе о стратегии действий по углубленному развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годы сформулированы задачи, в частности «повышения конкурентоспособности национальной экономики, ... снижения расхода энергии и ресурсов в экономике, ... широкого внедрения в производство энергосберегающих технологий»<sup>6</sup>. Поэтому повышение качества креповых тканей, вырабатываемых из натурального шёлка, расширение возможностей ткацких станков по выпуску более разнообразного ассортимента и создание тканей с новой структурой, с улучшенными потребительскими свойствами и художественным оформлением является актуальной задачей.

Данная диссертация вносит ощутимый вклад в выполнение задач, отмеченных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года за № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и Постановления Президента Республики Узбекистана от 20 августа 2018 года за № ПП-3910 «О мерах по эффективному использованию

---

<sup>4</sup>[www.ru.wikisource.org/wiki](http://www.ru.wikisource.org/wiki), [www.optim-consult.com/analytics/6](http://www.optim-consult.com/analytics/6).

<sup>5</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5264 от 29 ноября 2017 года «Об образовании министерства инновационного развития Республики Узбекистан»

<sup>6</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

имеющихся возможностей в отрасли шелководства Республики», а также в осуществлении задач, отмеченных в других нормативных и правовых документах.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике Узбекистан.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики по направлению: П. «Энергетика, энергия и энергосбережение».

**Степень изученности проблемы.** Ряд ученых зарубежных стран, в частности Н.В.Лустгартен, Н.А.Федеренко, А.А.Левина, В.Н.Кошеварева, М.И.Лихачева, А.И.Аврунина, Х.Гуан, Ф.Волларх, Л.Х.Осипова, Н.П.Моторова, Н.Я.Евдокимов, М.Я.Мустафаева, В.В.Яковлев, Jurgita Domiskiene, Eugenija Strazdiene, Paule Bekampiene, Zhoufeng Liu, Chunlei Li, Qianjin Zhao, Liang Liao, Yan Dong, Rui Zhang, Binjie Xin, Stuart Palmer, Xungai Wang, P.Chakraborty, P.Kumar, Dariush Semnani, Mohammad Sheikzadehand, Xu-Hong Yang, Dong-Gao Li и другие провели эффективные исследования по созданию новых видов текстильной продукции, по художественному оформлению (дизайну), по созданию способов его объективной оценки, а также по снижению расходуемого в производстве объема сырья.

В нашей стране в этом направлении ряд ученых тоже провели научные исследования, в частности Х.А.Алимова, Б.М.Мардонов, П.С.Сиддиқов, А.Д.Даминов, О.А.Ахунбабаев, Д.Арипджанова, Ж.А.Ахмедов, Э.Ш.Алимбаев, Х.Н.Лукманов, Б.К.Хасанов, Б.Х.Баймуратов, М.Мирзахонов внесли значительный вклад в развитие производства шелковых тканей.

Анализ исследований в данной отрасли показали, что недостаточно исследований по художественному оформлению поверхности ткани с использованием деформационно-релаксационных особенностей креповых нитей, созданию новых ассортиментов и по разработке объективного метода для оценки оформления.

